



Az1000, Baku, Azerbaijan
Khagani str. 29
Tel.: (+994 12) 493 40 03
Fax: (+994 12) 498 08 22
contact@anl.az



1, Navoi, Tashkent,
Uzbekistan, 100017
Tel.: (+99871) 2394440
Fax: (+99871) 2391658

**М.Ф.Ахундов номидаги Озарбайжон Миллий кутубхонаси ва
Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
ўртасида ҳамкорлик тўғрисида
Меморандум**

М.Ф.Ахундов номидаги Озарбайжон Миллий кутубхонаси ва Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси (кейинги ўринларда "Томонлар" деб юритилади) ўртасидаги икки томонлама муносабатларни ривожлантириш, шунингдек ахборот-кутубхона фаолиятининг таълим, илм-фан ва маданият ривожига муҳим ўрнини қайд этган ҳолда, кутубхона иши ривожига учун ўзаро ҳамкорликнинг муҳимлигини эътиборга олган ҳолда, ахборот тарқатиш ва ахборот алмашиш соҳаларида ҳамкорлик қилиш истагида, Томонлар қуйидагилар тўғрисида келишиб олди:

1-модда

Томонлар ўз давлатларининг миллий қонунчилигига, Томонлар давлатлари иштирок этаётган халқаро шартномалар, шунингдек ушбу Меморандум қоидаларига мувофиқ ахборот-кутубхона иши, маданият ва илм-фан соҳаларидаги ҳамкорликка кўмаклашадилар.


2-модда

Томонлар ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш ва янада ривожлантириш учун саъйи-ҳаракатларни бирлаштириш ва биргаликда ишлаш мажбуриятини оладилар, илмий тадқиқотлар материалларни рақамлаштириш ва иккала кутубхона тўпламларидаги бўшлиқларни тўлдиришга кўмаклашувчи лойиҳаларни қўллаб-қувватлайди.

Томонлар кутубхоначилик ва библиография жараёнларини автоматлаштириш, электрон ҳужжатлар алмашиш ва етказиб бериш, илмий библиография, ноёб китобларни қайта тиклаш ва сақлаш соҳаларида, шунингдек кадрлар тайёрлаш соҳасида ҳамкорлик қилади.

3-модда

Томонлар, ўзаро алоқаларни кенгайтириш ва янада ривожлантириш, Томонлар давлатлари ўртасидаги маданий алмашинувига кўмаклашиш мақсадида, ўзаро ҳурмат ва манфаатдорлик тамойилларига асосланган ҳолда қуйидаги асосий йўналишлар бўйича ҳамкорликни амалга оширади:



Az1000, Baku, Azerbaijan
Khagani str. 29
Tel.: (+994 12) 493 40 03
Fax: (+994 12) 498 08 22
contact@anl.az



1, Navoi, Tashkent,
Uzbekistan, 100017
Tel.: (+99871) 2394440
Fax: (+99871) 2391658

- Томонлар фондлардаги қўлёзмалар, қадимий китоблар ва нодир нашрлар билан танишиш, ўрганиш, каталоглар тузиш ҳамда уларни сақлаш бўйича маълумотни алмашиш;
- Томонларнинг халқаро кутубхона абонементини, қўлёзма ва хужжатларнинг маълум қисмини электрон етказиб бериш;
- Томонларнинг асосий фаолияти билан боғлиқ соҳаларда касбий тажриба ва илмий ютуқларни (фондларни қайта тиклаш, сақлаш ва консервация қилиш, автоматлаштириш ва бошқалар), шунингдек мазкур йўналишлар бўйича Томонлар мутахассислари тарафидан ишлаб чиқилган методик ва библиографик қўлланмаларни айирбошлаш;
- Томонлар мамлакатада нашр этилган кутубхона соҳасига оид, ижтимоий-маданий даврий нашрларнинг (газета, журналлар) электрон алмашинувини йўлга қўйиш;
- Ўзбекистон Республикаси ва Озарбайжон Республикаси ўлкашунослиги бўйича библиографик маълумотлар базаларини олиб бориш ва алмашиш;
- Томонлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда мутахассислар учун стажировкалар ташкил қилиш;
- Кутубхона тўпламларидан виртуал кўرғазмалар ташкил қилиш;
- Тажриба алмашиш мақсадида биргаликда анжуманлар, семинарлар ўтказиш ҳамда Томонларнинг ахборот-кутубхона фаолиятига илғор ютуқлар ва янги технологиялар жорий этиш бўйича иш олиб бориш;
- Биргаликда илмий тадқиқотлар, нашриёт ва бошқа ташаббусларни амалга ошириш.

Томонларнинг ўзаро келишуви асосида ҳамкорликнинг бошқа йўналишларида ҳам амалга оширилади.

4-модда

Малака ошириш стажировкаларида мутахассисларнинг қатнашиши қуйидаги тарзда амалга оширилади:

- Томонлар бошқа Томоннинг малака ошириш стажировкасида қатнашиш учун мутахассисларни мустақил тарзда тайинлайдилар;



Az1000, Baku, Azerbaijan
Khagani str. 29
Tel.: (+994 12) 493 40 03
Fax: (+994 12) 498 08 22
contact@anl.az



1, Navoi, Tashkent,
Uzbekistan, 100017
Tel.: (+99871) 2394440
Fax: (+99871) 2391658

- Томонлар малака ошириш стажировкасига тенг сонли мутахассисларни юборадилар;
- Малака ошириш стажировкасининг вақти ва дастури Томонлар тарафидан аввалдан келишиб олинади.

5-модда

Мазкур Меморандум халқаро шартнома ҳисобланмайди ҳамда Томонларга ҳеч қандай юридик ва молиявий мажбуриятлар юкламайди.


6-модда

Томонларнинг ўзаро розилигига кўра мазкур Меморандумга унинг ажралмас қисми ҳисобланадиган алоҳида баённомалар орқали ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши мумкин.

7-модда

Мазкур Меморандум имзоланган санадан бошлаб кучга киради ва беш (5) йил муддат давомида амал қилади ҳамда навбатдаги муддат тугашидан уч (3) ой олдин Томонлардан бири бошқа томонни унинг амал қилишини тугатиш нияти тўғрисида ёзма равишда хабардор қилмаса, унинг амал қилиши кейинги беш (5) йиллик муддатга ўз-ўзидан узаяди.

_____ шаҳрида, 2021 йил «___» _____ да, икки нусхада, ҳар бири ўзбек, озарбайжон ва рус тилларида тузилди, бунда барча матнлар бир хил кучга эга.



Az1000, Baku, Azerbaijan
Khagani str. 29
Tel.: (+994 12) 493 40 03
Fax: (+994 12) 498 08 22
contact@anl.az



1, Navoi, Tashkent,
Uzbekistan, 100017
Tel.: (+99871) 2394440
Fax: (+99871) 2391658

**М.Ф.Ахундов номидаги
Озарбайжон
Миллий кутубхонаси**

**Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон
Миллий кутубхонаси**

Директор



Kerim Tahirov
/проф.Керим Тахиров/

Директор



U. Teshabaeva
/У.Тешабаева/